

**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ
СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ
СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
МАРКАЗИЙ АППАРАТИ ВА ФИЛИАЛЛАРИДА МАНФААТЛАР
ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА
НИЗОМ**

2023 й. «28» декабр

Код: RD-GK 40-03

Тошкент ш.

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 3- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ
Бош директори

Р. Азимов
«28» декабр 2023 й.

**«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ ВА ФИЛИАЛЛАРИДА
МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА
НИЗОМ**

1 - БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур «Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом (Кейинги ўринларда – «Низом») "Ўзбекинвест" ЭИСК" АЖ (бундан кейин матнда Компания) фаолиятида коррупция ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар ва умуман жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак ҳулк-атвор стандартларига мувофиклик ва уларга барҳам беришга қаратилган ўзаро боғлиқ принциплар, Жамият, унинг ходимлари, Жамият номидан ва унинг манфаатларини химоя қилиш учун ваколат берилган бошқа шахслар томонидан амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

2-БОБ. ҚЎЛЛАШ СОҲАСИ

2.1. Ушбу Сиёсат талаблари «Ўзбекинвест» ЭИСК Жнинг Марказий аппарати, барча таркибий тузилмалар, ҳудудий филиаллари ҳамда «Ўзбекинвест Ассистанс» МЧЖга татбиқ қилинади.

3-БОБ. ТАЪРИФЛАР

3.1. Ушбу Сиёсатнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

Алоқадор шахслар – жамият ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

кронизм - дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида хокимият (лавозим мавқесидан) ва обрўсидан фойдаланиш;

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 5- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

устувор ахамият қаратиши, жамиятда ходимларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сихатгохлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги - ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

шафелик – жамият ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги химоysi, уни ёқлаб ёнини олиши;

яқин қариндошлар - қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

4 - БОБ. НОРМАТИВ ҲАВОЛАЛАР

Мазкур Низомни ишлаб чиқишда қуйидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалардан фойдаланилган:

4.1. 2008 йил 28 августдан кучга кирган Бирлашган Миллатлар ташкилотининг "Коррупцияга қарши" Конвенцияси.

4.2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги.

4.4. 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонлари.

4.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги"ги Фармони.

4.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

4.7. 180 37001:2016 "Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими - Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар" халқаро стандарти.

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 4- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

манфаатлар тўқнашуви – жамият ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш - ходимлар томонидан потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш тартиб-таомили;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш – Жамият томонидан ходимларнинг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа манфаатлар) Жамият манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш;

махаллийчилик - шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машхур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эътилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

непотизм - (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Жамият манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

потенциал манфаатлар тўқнашуви - ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Жамиятнинг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва Жамият ходимлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

реал манфаатлар тўқнашуви - ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) жамият манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият;

уруғ-аймоқчилик – жамият ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноҳолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

фаворитизм – жамият ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ёки шахслар гуруҳи манфаатларига

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 6- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

5 - БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1-§. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШ

5.1 Жамият ходимлари манфаатлар тўқнашувини бошқариш масалаларида қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилишлари шарт:

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қуйиш;

ошкоралик, виждонлилик, холислик асосида қарорлар қабул қилиш;

потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг шартлиги;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича профилактик чораларнинг устуворлиги;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиши;

манфаатлар тўқнашуви аломатлари билан тавсифланган вазиятларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳал қилишга холис ёндашуви;

белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

агар ходим бирон-бир қарор қабул қилишдан аввал ёки ўзига юклатилган функцияларни бажаришдан олдин манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли тартибда хабар берган ҳамда жамият манфаатлари фойдасига ўз шахсий манфаатларидан воз кечишга тайёр бўлса, уни реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги сабабли ишдан бўшатилишига йўл қўйилмаслиги;

шаффофлик ва ҳисобдорлик;

шахсий жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги.

2-§. Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш.

5.2. Компания ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида жисмоний ва юридик шахслардан совғалар меҳмондўстлик белгилари, жумладан қарз, кафолатлар, кафиллик, мукофот, моддий ёрдам, нақд пулсиз ва нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, қимматбаҳо қоғозлар, криптовалюта, бошқа моддий қадриятлар ёки хизматлар кўринишидаги рағбат воситаларини олиш тақиқланади.

Бунда, конференциялар, семинарлар ва турли шу каби учрашувларда тақдим этиладиган **умумий қиймати базавий** ҳисоблаш миқдорининг **1 бараваридан ошмайдиган буюмлар** бундан истисно ҳисобланади.

5.3. Компанияда ички коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасида хизмат мажбуриятларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва ходим

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 7- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

шахси билан боғлиқ деб эътироф этилган совғаларни беришда қуйидагиларга риоя қилинади:

совға олувчи учун манфаатлар тўқнашуви вазиятини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

совға очиқ-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

совғани фақат умумэътироф этилган байрамлар (таваллуд айёми, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва х.к) муносабати билан беришга рухсат этилади;

совғалар «Ўзбекинвест ЭИСК» АЖнинг камида учта ходими иштирокида берилиши лозим;

совғани бериш чоғида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ходиса аниқ баён этилади;

совғанинг умумий қиймати (барча солиқ ва йигимлар билан бирга) **базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баробаридан** ошмаслиги лозим;

компаниянинг бир ходими иккинчи ходимга совға олиш учун сарфлайдиган сумма миқдори ҳар ҳолатда **базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баробаридан ошмаслиги лозим.**

5.4. Шубҳа (гумон)лардан ҳоли бўлиш учун ҳар қандай байрамлар (жумладан, лекин чекланмаган ҳолда тугилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва х.к) муносабати билан мазкур Сиёсатнинг 13 ва 14-бандларида келтириб ўтилмаган бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, ҳамкорлар ва контрагентлар, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган мазкур Сиёсатнинг 13-бандида санаб ўтилган совғалар ва моддий бойликлар **олиш** тақиқланади.

5.5. Компания номидан халқаро конференциялар, симпозиумлар ва бошқа иш юзасидан (хизмат) учрашувларида совғалар бериш **Бош директор буйруғига** мувофиқ амалга оширилади.

5.6. Совға бериш, уни қабул қилишнинг қонунийлигида шубҳа туғилган тақдирда коррупция ходими Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаментига **маслахат сўраб мурожаат** қилиши лозим.

3-§. Жамият ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши.

5.7. Компания ходимларининг халқаро ва бошқа ташкилотлар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлари (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва ҳ.к.)да иштирок этишига қуйидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Компаниянинг бошқа ички ҳужжатларига мос келса;

тадбир жамият ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилсак;

тадбир жамият ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги, бирор-бир ноқонуний афзалликларни қўлга киритишни (масалан, буюртмачиларга тадбирни ўтказиётган лойиха-тадқиқот ташкилотига мурожаат қилишни тавсия қилиш) кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги лозим;

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 8- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

Тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор килинган тақдирда жамият ва тақлифни қабул қилувчи ёки тақлиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаслиги лозим;

Тадбир умумэътироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келиши ҳамда кунгилочар мазмундаги хусусият касб этмаслиги лозим;

Тадбир мохияти ва қийматига кўра ўринли бўлиши, хаддан зиёд хашаматли, қиммат, ғайриодатий бўлмаслиги ва тез-тез такрорланиб турмаслиги лозим.

5.8. Агар ишбилармонлик тадбирлари (семинар, симпозиум, давра суҳбатлари ва ҳ.к.) ташкилотчиси жамият ўзи бўлса, у ҳолда бундай ишбилармонлик тадбири ушбу сиёсатда кайд этилган талабларга мос келиши лозим.

4-§. Кадрлар билан боғлиқ жараёни тартибга солиш (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш)

5.9. Жамият ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ҳуқуқли ва холис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

5.10. Номзодларни Компанияга танлаш ва тайинлаш жараёни Номзодларни жамиятга қабул қилиш учун текшириш бўйича қўлланма ва компанияга бошқа ички ҳужжатларига, манфаатлар тўқнашуви бошқариш тартибига мувофиқ текшириш департамент билан бирга амалга оширилади.

5.11. Компанияда ходимларга оид масалаларда қарор қабул қилувчи ходимларнинг лавозимини оширганда, лавозимга тайинланганда, кадрлар захирасига қўшганда ва ҳ.к.ларда номзод (ходим)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этиши тақиқланади.

5.12. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга қўйиладиган талабларга мувофиқ танлов асосида ёки бошқа усул ёрдамида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

5.13. Компанияда ходимлар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқирилиши ва ходимлар унинг асосида рағбатлантирилиши лозим. Мазкур кўрсаткичлар холис, шаффоф ва компания ходимлари танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши лозим.

5-§. Текширувлар ўтказиш ва компаниянинг марказий аппарати, таркибий тузилмалари ва унинг филиаллари фаолиятини ўрганиш.

5.14. Турли текширувлар, ўрганишлар мониторинг ўтказишда (кейинги ўринларда - текширув объектлари) компания ходимлари:

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти текшируви, ўрганиши, мониторингини яқка ўзи амалга оширмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объектига ташриф буюрувчилар ёки уларнинг вакиллари **Жамият Марказий аппарати, унинг филиалларига шахсан ташриф** буюрганда улар билан ёлғиз қолмаслиги;

йўл қўйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларни сохталаштириш мақсадида текширув, ўрганиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, текшириладиган объект ходимларини аниқланган

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 9- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат органларига топшириш билан қўрқитмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;

ҳужжатларни сўраб олиш ва текширув, ўрганиш, мониторинг предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги лозим;

текширув, ўрганиш мониторинг давомида аниқланган ҳар бир қоидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;

қоидабузарликларнинг видео ёки фотокайдени амалга ошириши (ўрни келганда), Компания томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига қоидабузарликларга оид маълумотларни киритиши;

агар текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакиллари Компания ходимига аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим этаётган бўлса, бу ҳақида текширув бўйича ишчи гуруҳ раҳбарига ва департаментга зудлик билан хабар бериши;

текширув, органиш, мониторинг объекти вакилларига жамият ходимларининг хулқ-атвор тамойилларига мувофиқ ҳолис муносабатда бўлиши шарт.

5.15. Компания томонидан ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътирозларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этилади.

6-§. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш

5.16. Компания мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларига зид ҳар қандай тўловларни ёки ҳаракатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахсларни жалб қилмайди.

5.17. Контрагентлар билан муносабатларда компания қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилади.

5.18. Компанияда объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффоф жараёни, шунингдек сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва компаниянинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5.19. Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Компания:

Жамиятда контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончилиги, жумладан у ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки қилинмаганлиги, компания ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;

потенциал контрагент, жумладан харид тартиб-таомиллари ғолибини у билан шартнома матнига махсус коррупцияга қарши шартларни қўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳақида хабардор қилади.

5.20. Ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда (масалан, лицензия бериш, ихтисослаштирилган кенгашларда иштирок этиш, турли ҳужжатлар, объектларни келишишда ва х.к) жамият ҳужжатларни кўриб чиқишнинг шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлайди ҳамда зарур ҳолларда мазкур давлат органлари томонидан

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 10- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

салбий ва бошқа хулосаларга келиш сабаблари хусусида қўшимча маълумотларни талаб қилади.

7-§. Хайрия ва хомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш

5.21. Компания қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва хомийлик ёрдамини қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва хомийлик фаолиятига доир ахборотни компаниянинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

5.22. Компания томонидан қабул қилинаётган хайрия ёки хомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва компаниянинг алоҳида ходимлари томонидан хайрия қилувчи ёки хомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия қилувчи ёки хомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

5.23. Жамият томонидан хайрия ёки хомийлик ёрдами олишда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

хайрия қилувчи ёки хомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки хомийлик ёрдами олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия қилувчи ёки хомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қуйилиши лозим;

бундай шартномага коррупцияга қарши шартларни киритиш;

Компаниянинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида олинган хайрия ёки хомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириш.

8-§ Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси

5.24. Ички ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишда компаниянинг юридик ҳамда коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти билан биргаликда коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун имконият яратувчи коррупциявий омиллар мавжудлиги ва уларни ҳужжатлардан чиқариб ташлаш мақсадида экспертиза ўтказилади.

9-§ Компания фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш

5.25. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида жамият ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади (агар имкони мавжуд бўлса).

5.26. Давлат харидлари доирасида танлов савдоларини ўтказишда жамият ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро алоқани электрон шаклда онлайн режимида бошқа электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

10-§ Компания фаолиятни видеоқайд қилиш ва унинг трансляцияси

5.27. Компания биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 11- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

аудио ва видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар жамиятнинг масъул ходимлари томонидан кўриб борилади.

5.28. Компаниянинг Интернет тармоғидаги расмий сайтларида коррупция хавф-хатари юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляцияси жойлаштирилади (хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш, уларни тестдан ўтказиш, комиссиялар йиғилишлари ва ҳ.к.).

6-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

1-§ Коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим ички ҳужжатлар мавжудлиги

6.1. Коррупцияга қарши курашиш тизими асосини:

мазкур Сиёсат;

компания ходимларининг одоб-ахлоқ коидалари;

компанияда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисидаги Низомда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади.

6.2. Компанияда раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим.

6.3. Компания раҳбари ва унинг ўринбосарлари, шунингдек компания таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлиши ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

6.4. Компания раҳбари ва ўринбосарлари, шунингдек таркибий бўлинма раҳбарлари компания фаолиятининг ҳавф-хатар функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини барпо этиш ва амалга оширишга нисбатан лидерликни намоиш қилади.

2-§. КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ

6.5. Компания ўз фаолиятига ҳос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва бадалларини ташкилий тузилмалар функцияларининг хусусияти, компания ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек компанияда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ ташки ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалда оширади.

6.7. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган вақтда ўтказилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари компания Бош директор томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар компаниянинг коррупцияга қарши дастур ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

3-§. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ УЧУН МАСЪУЛ

6.8. Компания коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш учун алоҳида коррупцияга қарши департамент тузилмаси ташкил этилади.

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 12- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

6.9. Компанияда Коррупцияга қарши департамент тузилмаси ўз фаолиятини Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти тўғрисидаги низом асосида амалга оширади ва бевосита компания Кенгашига бўйсунди.

6.10. Компания Бош директори Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасини компания коррупцияга қарши вазифаларни амалга ошириш учун етарли даражадаги мустақиллик ва зарур ресурслар билан таъминлайди.

6.11. Компаниянинг Ходимлар билан ишлаш департаменти "Ўзбекинвест ЭИСК" АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ва актуаллаштирилиши учун жавоб беради.

6.12. Компаниянинг Марказий аппарати ва барча филиалларида алоҳида одоб-ахлоқ комиссиялари фаолият юритади.

6.13. Компаниядаги Одоб-ахлоқ комиссиялари ходимларнинг этик хулқ-атвор қоидалари билан белгиланган хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек "Ўзбекинвест ЭИСК" АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича" Низомда белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараёнида иштирок этади.

4-§ Жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш

6.14. Компанияда коррупциявий ҳавф-хатарларни қискартириш ва компания хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур Сиёсат ва ўзлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга оид асосий ахборотларни расмий **веб-сайтларида** жойлаштиради.

6.15. Компания барча куч ва имкониятларини ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга қуйидагилар орқали Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги нормалари, шунингдек жорий этилган коррупцияга қарши тамойиллар, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар бериш ва уларни тушунтиришга сарфлайди:

Компания раҳбарияти томонидан электрон манзил ва бошқа алоқа воситаси орқали ходимлар томонидан коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши муҳим эканлигига доир доимий хабарлар юбориш;

Компания ходимларини коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишга доир режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камида бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;

Янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу Сиёсат ва компаниянинг коррупцияга қарши курашишга доир барча ички ҳужжатлари билан албатта таништирган холда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларни ташкил этиш;

компаниядаги коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишнинг қўшимча дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқув курслари/

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 13- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

тренингларга оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда компаниянинг Ходимлар билан ишлаш департаментида ҳамда компания ўқув марказида сақланади;

мавзуга доир аудио ва видеороликлар ҳамда компания ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши кампаниялар ташкил қилиш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар туғилганда, Департамент томонидан компания ходимларига маслаҳатлар бериш;

тасдиқланган режа асосида департамент томонидан Компанияда коррупцияга қарши ҳулк-атворни фаол тарзда тарғиб қилиш;

компания ходимлари меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш. Компания мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб компаниянинг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритади;

компания контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, хомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартларни киритиш. Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб компаниянинг янги контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, хомийлари билан тузиладиган шартномаларга киритилади. Коррупцияга қарши шартлар компаниянинг барча шартномаларига киритилади (электрон дўкон, электрон аукцион орқали харид натижалари бўйича ва давлат табиий монополиялари (почта, электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, темир йўллари, хаво йўллари ва х.к.) билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно). Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат қабул қилинишидан олдин тузилган шартномаларга шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ёки ташаббусга кўра киритилади.

5-Ў МОНИТОРИНГ, НАЗОРАТ ВА ХИСОБДОРЛИК

6.16. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул компанияда амалга оширилаётган коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг доимий мониторинги, назорати ва уларнинг самарадорлиги, етарлилиги ва мутаносиблигини баҳоланишини амалга оширади. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра компанияда коррупцияга қарши курашиш тизимини шакллантиришга доир тегишли чора-тадбирлар қабул қилинади.

6.17. Мониторинг ва назорат Компанияда Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиётига ва Компаниянинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6.18. Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинги қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

Компания фаолияти функциялари ва ўзига хос жихатлари, унинг ташкилий-функционал тузилмаси ҳамда бошқа ташқи ва ички омилларидаги ўзгаришларнинг компаниянинг коррупцияга қарши курашиш тизими ва уни тўғирлаш зарурати, жумладан унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлигини таъминлашга таъсири таҳдидли;

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 14- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

Ўзбекистон Республикасининг фаолиятида қўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва ҳокимият органлари тавсияларининг мониторинги;

ҳалқаро ва хорижий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига доир тавсиялари мониторинги;

оммавий ахборот воситаларининг жамият ёки ходимлари коррупциявий ҳаракатларга жалб қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек компания контрагентлари ёки ҳамкорлари тўғрисида ҳудди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;

самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши тизим ишончилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида компаниянинг ички жараёнлари ва функцияларини мониторинг қилиш;

компаниянинг коррупцияга қарши дастури ёки йўл харитаси бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;

компания ходимлари томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши талаблар ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;

компания ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш;

6.19. Компанияда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлиги (коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмаслиги) коррупцияга қарши курашиш тизимини ички аудитини ўтказиш, жумладан компанияда белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш орқали текширилади.

6.20. Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш тадбирлари яқунлари ва натижалари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларида акс эттирилади. Ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби компанияда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини шакллантириш ва тақдим этиш бўйича ички идоравий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилади.

6-Ў ҚОРРУПЦИЯВИЙ ХАРАКАТЛАРГА ДОИР ХАБАРЛАР

6.21. Компания ходимларининг ҳаракатлари қонунийлиги ёки этикага мослиги юзасидан шубҳа, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ таҳминлар ёки содир этилганлигига оид асосли гумонлар юзага келган тақдирда улар ҳақида компаниянинг умумфойдаланувидаги алоқа каналлари орқали очиқ хабар берилиши мумкин.

6.22. Компания ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар махфийлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

6.23. Компания ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа ходимларнинг шубҳали ҳулқ-атвори ёки мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бушатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари уч олиш ҳаракатларига йўл қўйиш мумкинлигини кафолатлайди.

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 15- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

6.24. Компаниянинг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар компания масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, компаниядаги коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишга оид ички ҳужжатлар ва компаниянинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чиқилади.

6.25. Компания ходимлари томонидан атайлаб ёлғон хабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

7 - БОБ. ЖАВОБГАРЛИК

7.1. Ушбу Низомни актуаллаштиришга Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти Бош менежери масъул ҳисобланади.

7.2. Мазкур Сиёсатга мос келиш ва жамиятнинг коррупцияга қарши талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш хар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти ҳисобланади. Ходимлар мазкур Сиёсат ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида белгилаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

7.3. Коррупцияга нисбатан мурасизлик (тоқатсизлик) тамойилига амал қилган ҳолда компаниянинг барча ходимларига бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали хар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:

ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек хизмат мавқеи ва ваколатларини суистеъмол қилиш мақсадида хар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан компаниянинг қонуний манфаатларига зид равишда, жумладан ўзи ва учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш;

давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа хар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ва/ёки шахс, жумладан компания манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш, ноқонуний фойда (пора, порахурлик) ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

порахурлик ёки тижорий порага олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар уртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

жамият ходимларининг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат килувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

7.4. Ходимлар ўз раҳбари ва компаниянинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар билан боғлиқ, шунингдек уларга маълум бўлган бошқа

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 16- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

7.5. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилини ҳисобга олган ҳолда компанияда ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича компанияда **хизмат текширувларини ўтказиш бўйича регламент** ва бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.

7.6. Мазкур Сиёсат, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва/ёки Компаниянинг бошқа ички ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни бузган компания ходимлари лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан катъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва компаниянинг ички ҳужжатлари доирасида ва уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

7.7. Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда Коррупцияга қарши курашиш бўйича тузилма уларни юзага келиш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қилади ва доимий равишда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиради.

7.8. Ички текширувлар натижалари доимий равишда раҳбарга, компания Кенгаши ва тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларига тақдим этилади.

7.9. Компания коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.

8-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур Сиёсат куйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тўғириланиши мумкин:

мавжуд коррупцияга қарши сиёсатлар ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек жамият фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ва/ёки функцияларининг ўзига хос жихатлари ўзгарганда ва х.з.

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ Марказий аппарати ва филиалларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	RD-40-03
GK 40		17 varaqdan 17- sahifa Sana: 02.10.2023 y.

Хужжат текширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар

№	Киритилган сана	Узайтириш/ Қайта кўриб чиқиш/Бекор қилиш	Ўзув эгасининг лавозими	Имзо	Ф.И.Ш

Киритилди:

Коррупцияга қарши ички назорат
ва хавфсизликни таъминлаш
департаменти Бош менежери

 А. Ё. Абдуллаев

Келишилди:

Бош директор биринчи ўринбосари

 Р. Халиков


Юридик департаменти бошлиғи

 Б. Юсупов

Стратегик ривожлантириш ва сифатни
бошқариш департаменти
Бош менежери

 А. Абдуллаев.

Ходимлар билан ишлаш департаменти
Бош менежери

 Ш. Арипходжаева